

ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ЎРНИ

Т.М. Мирзарахимов

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги ходими

Мамлакатимизни демократик янгилаш энг муҳим йўналишлар – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган. Ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунларга сўзсиз риоя қилиши демократиянинг асосий тамойилларидан ҳисобланиб, қонунларга ҳурмат, итоатгўйлик, энг аввало, ҳуқуқий маданият

Д
а Таъкидлаш керакки, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади².

г Сўнгги пайтларда дунёда техника жадал суръатлар билан ривожланиб инсоният мисли кўрилмаган имкониятларга эга бўлмоқда. Инсоният яхши яшаш, фаровон турмуш кечириш учун ва узок умр кўриш мақсадида ўзларига шароит бериб шунингдек, фан ютуқларидан унумли фойдаланиш чораларини кўряпти. Кўпгина давлатлар ўз халқини фаровон, тинч ва барқарор яшашини таъминлашни ўзларининг устувор вазифаси ва мақсади қилиб белгилаб олган. Ва бу борада кўплаб тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шу билан бирга мўмай пул топиш, бойлик орттиришни мақсад қилганлар ва уни кўзловчилар пайдо бўлгани кабабли одамзод яна бир жиддий муаммога дуч келди. Бу одамларни ёллаш ва уларнинг савдоси билан шуғулланиш жиноятларини пайдо бўлиши билан боғлиқ масалалардир.

Одам савдоси муаммоси кейинги пайтларда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларини, балки кенг жамоатчиликни ҳам қаттиқ ташвишлантирмоқда. Чунки, одам савдоси ҳар бир инсоннинг олий қадрият

¹ Утегенов Д.О. Ўзбекистонда экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчи инспекторларнинг роли // Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2019 йил 17 апрель). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 73 б.

² Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 4 б.

сифатида эътироф этиладиган шаъни, кадр-қиммати, эркинлиги ва шахсий дахлсизлигига хавф солмоқда. Ушбу соҳадаги жиноятларнинг профилактикаси нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан, балки кенг жамоатчиликдан ҳам фаолликни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: “Асосий қонунимизда умумэътироф этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг бебаҳо кадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди. Айнан биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Конституциямизда “Инсон ва унинг кадр-қиммати” деган улуғ тушунча марказий ўринга қўйилди”³ деб таъкидлаб фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мамлакатимизда доимо асосий вазифа сифатида эътироф этиб келинганлигини таъкидлаб ўтди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш борасида кенг қўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди ва ҳозирги вақтда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишнинг норматив-ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Хусусан, ривожланган демократик мамлакатларда одам савдосига қарши кураш бўйича татбиқ этилган илғор тажрибалар ва қонун нормаларини чуқур ўрганиш асосида 2020 йил 17 августда Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) қонунини қабул қилди. Ушбу Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида одам савдоси жиноятига жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддасида назарда тутилган одам савдоси жинояти инсонларнинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши қаратилган жиноятлардан биридир. Одам савдоси, яъни куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг ўзга шакллари, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қуллиқни ёхуд қуллиққа ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд инсон

³ Шавкат Мирзиёев “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.

аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олишни англатади.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ҳамда фуқароларимизнинг ушбу жиноятлар қурбонларига айланишларини олдини олиш борасида махсус профилактиканинг ўрни юқори.

Одам савдоси жиноятининг махсус профилактикасининг асосий мақсади ушбу ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини самарали ташкил этиш, мазкур жиноятлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш, ушбу жиноятларни содир этган шахсларни аниқлаш ва улар билан профилактик ишларни тизимли равишда олиб борилишини таъминлашдан иборат.

Одам савдоси соҳасидаги жиноятлар махсус профилактикасини амалга оширишнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг дахлсизлигини таъминлаш;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда қонунга итоаткорлик ҳуқ-атворини шакллантириш ва ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш;

фуқароларни одам савдоси соҳасидаги жиноятларнинг ижтимоий хавфи ҳақида огоҳ этиш, шунингдек уларнинг жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;

фуқароларни одам савдоси соҳасидаги жиноятлардан ҳимояланишнинг усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

одам савдоси соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

одам савдоси соҳасидаги жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

одам савдоси соҳасидаги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш;

жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

одам савдоси соҳасидаги жиноятлар махсус профилактикасини амалга оширувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Одам савдосига имкон бераётган асосий омиллар:

фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ахлоқий маданияти, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги етарли даражада эмаслиги;

ишсизлик, хусусан узоқ муддатга чет элга кетиб, қайтиб келган фуқароларни, ўқув муассасаларини тамомлаган ёшларни мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашга қаратилган чораларнинг етарли даражада эмаслиги;

чет элга чиқаётган фуқароларнинг хорижда ишга жойлашиш имкониятлари ва хавфсиз меҳнат шароитлари ҳақида ишончли ахборот билан тўлиқ

таъминланмаганлиги, ёлловчиларга ҳаддан ошиқ ишониши, нима мақсадда чет элга кетаётганлигини ва ким олиб кетаётганлиги (чақиртирганлиги)ни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан яшириши;

айрим шахсларнинг шахсий манфаат (моддий манфаатдорлик)ни кўзлаб, фуқароларни давлат чегарасидан қонунга ҳилоф равишда ўтишига кўмаклашиш, чет элда ишга жойлаштиришни ташкил этиш билан ғайриқонуний равишда шуғулланаётганлиги;

одам савдоси жиноятларининг тўлиқ фош этилмасдан қолаётганлиги, жабрланган шахсларнинг жиноятни фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фаол ҳамкорлик қилмаётганлиги;

одам савдоси ва одамни эксплуатация қилишнинг қонунда жавобгарлик белгиланмаган қатор янги шакллари мавжудлиги, юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги белгиланмаганлиги;

фуқароларда енгил йўл билан тезроқ катта бойлик орттиришга бўлган хоҳиш-истакнинг юқорилиги;

оилавий-маиший низолар, хусусан ёш оилаларнинг ажрашиб кетиши ва бошқалар.

Бугунги кунда одам савдоси инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган, инсоният цивилизациясига очикдан-очик тўсиқ бўлаётган, жамият тараққиёти ва давлат ривожига жиддий хавф туғдираётган, ўз домига асосан аёллар ва ёшларни тортаётган, ҳудуд ва чегара танламаётган трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг хавфли кўринишларидан бирига айланди.

Афсус билан таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда айрим шахслар жиноят содир этиш йўлига кириб, фуқароларимизни турли алдов ва фирибгарлик йўли билан тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг ғайриқонуний манфаатлари йўлида фойдаланиб, кўпгина оилаларнинг бошига сўз билан ифодалаб бўлмайдиган кулфатлар келтириб одам савдоси билан шуғулланмоқдалар. Бунинг оқибатида кўпгина фуқароларимиз одам савдоси жиноятининг қурбонига айланмоқда. Энг хавфлиси шундаки, одам савдоси ўзининг гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Одам савдоси соҳасидаги жиноятларнинг профилактикаси бўйича аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот – профилактика субъектларининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда қонунга итоаткорлик ҳуқ-атворини шакллантириш, одам савдоси ва ахлоқ соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш, шунингдек уларни ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфи ҳақида огоҳ этиш, жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлардан ҳимояланишнинг усуллари

ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда кўринади.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдоси жиноятининг махсус профилактикаси кўпинча криминоген вазияти оғир бўлган ҳудудлар ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил шахсларга йўналтирилиши, шунингдек алоҳида кўрсатма асосида амалга оширилиши билан профилактиканинг бошқа турларидан ажралиб туради.